

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.31.10.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАРОПОВ САНЖАР ҒАЙРАТОВИЧ

**ЮҚОРИ ЛАБ ВА ТАНГЛАЙ ТУҒМА ЁРИҚЛАРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИДА ИММУНОЛОГИК ВА МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИК
ОМИЛЛАР**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.21 - Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Шаропов Санжар Ғайратович

Юқори лаб ва танглай туғма ёриқларининг
шаклланишида иммунологик ва молекуляр
генетик омилар

3

Шаропов Санжар Ғайратович

Иммунологические и молекулярно - генетические
факторы в формировании врожденной расщелины
верхней губы и неба

25

Sharopov Sanjar Gayratovich

Immunological and molecular genetic factors
in the formation of congenital cleft lip and palate

47

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works

51

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.31.10.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАРОПОВ САНЖАР ҒАЙРАТОВИЧ

ЮҚОРИ ЛАБ ВА ТАНГЛАЙ ТУҒМА ЁРИҚЛАРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИДА ИММУНОЛОГИК ВА МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИК
ОМИЛЛАР

14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.21 - Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.1.PhD/Tib802 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертациянинг автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Мусаходжаева Дилорам Абдуллаевна биология фанлари доктори, профессор Иноятов Амрилло Шодиевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Суяров Акрам Амиркулович тиббиёт фанлари доктори Мамедов Адиль Аскерович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)
Етакчи ташкилот:	Кубан давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.31.10.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.А.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Н.У.Нарзуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

Қ.Э.Шомуродов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё популяциядаги туғма нуқсонларнинг даражаси, популяция саломатлик ҳолатининг муҳим белгисидир, «...нуқсонлар ичида юз-жағ соҳаси туғма ёриқлари тез-тез учраши, шунингдек, юқори лаб ва танглайнинг туғма ёриқлари пайдо бўлиш даражаси бўйича биринчи ўринни эгаллаб, турли ҳудудларда янги туғилган чақалоқларда касалликнинг тарқалганлик даражаси йилига 1:1000 дан 1:700 гачани ташкил этади...»¹. Доимий анатомик бузилишлар зарарланган ва у билан боғлиқ аъзолар фаолиятининг бузилишига олиб келади, «...тананинг бир неча қисмлари ривожланишининг уйғунлиги бузилади, кўшма иккиламчи деформациялар пайдо бўлади...»². Болалар руҳий-асаб ҳолати хусусиятлари меъёрдагидан кескин фарқ қилади, чунки организмдаги органик ўзгаришлар астеник синдром ва вегетатив-қон томир дистонияси билан боғлиқ бўлган олдиндан баҳолаб бўлмайдиган невротик реакцияларга олиб келиб, ушбу ҳолат болаларнинг ҳаёт сифатини пасайтиради. Дунёда юқори лаб ва танглайнинг туғма ёриқлари бўлган болаларнинг тарқалиши, патогенетик жиҳатлари, ташхислаш ҳамда жарроҳлик амалиёти натижасида даволаш усуллари такомиллаштирилмоқда. Касалликнинг иммунологик жиҳатлари мунозарали масалалардан бири ҳисобланиб, иммун тизими параметрларининг ўзгариши жарроҳлик даволаш натижаларига салбий таъсир кўрсатиши, асоратларнинг ривожланишига, иккиламчи инфекциянинг кўшилишига, натижада болаларнинг ҳаёт сифати ва бола тарбия олаётган оила иқтисодий фаровонлигининг пасайишига олиб келади.

Жаҳонда юқори лаб ва танглай туғма ёриқлари шаклланишида иммунологик ва молекуляр-генетик омилларни тадқиқ қилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада лаб ва танглай туғма ёриқлари клиник-анатомик шакллариининг тарқалиши, лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болаларда иммун жавоби медиаторлари даражасини қиёсий жиҳатдан асослашдан иборат. Лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болаларда цитокинлар даражаси хейлопластика, уронопластикадан олдин ва кейинги ҳолатини таққослаш, лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болалар, улар ота-оналарида фолат цикли генларининг генотиплари ва полиморф локус аллелларининг тарқалиш хусусиятларини асослаш ва касалланиш даражасини пасайтириш бўйича замонавий ташхислаш ва даволаш тартибини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

¹Ершова О.Ю., Леонов А.Г., Ткаченко А.Е., Долгополова Г.В. Опыт использования биодegradуемой мембраны при альвеолопластике у детей с врожденной расщелиной верхней губы, неба и альвеолярного отростка. Вестник Уральской Медицинской Академической Науки. 2016; С. 273.

²Персин Л.С. Ортодонтия. Современные методы диагностики зубочелюстно-лицевых аномалий. Москва. 2007; С.29-34.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар орасида иммун тизими касалликларнинг тарқалишини камайтиришда «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда болалар орасида стоматологик касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали юқори лаб ва танлай туғма ёриқлари оқибатида юзага келадиган юз-жағ касалликлари даражасини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда туғма лаб ва танглай ёриқли боланинг туғилиши куйидагини, яъни Европада - 1:500-1000 янги туғилган чақалоқларда, АҚШда - 1:600; Японияда - 1:588, Африкада - 1:2440 нисбатни ташкил қилган (ЖССТ, 2017). Хорижий олимларнинг фикрига кўра, туғма лаб ва танглай ёриқлари учраш даражаси бўйича маълумотлар бир-бирига зиддир (Таалайбеков Н.Т., Ешиев А.М., 2016). Бу минтақада туғма лаб ва танглай ёриқлари учраш даражаси 1000 та туғилган чақалоқлар

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони

орасида 1,1 ни, Байконурда эса 2,1 ни ташкил этган. Россиянинг айрим худудларида танглай туғма ёриқларининг бошқа шунга ўхшаш нуқсонларга нисбатан тарқалиши сақланиб турган, шу билан бирга лаб, танглай ва альвеоляр ўсиқнинг ёриғи билан туғилган беморлар сони 1,5 бараварга пасайган (Шакирова Р.Р., 2011; Серебряков Е.Н. ва ҳаммуал., 2012; Игнатъева О.В., 2015; Ершова О.Ю. ва ҳаммуал., 2016).

Бир қатор муаллифлар фикрига кўра, цитокинлар яллиғланиш жараёнлар ривожланишида, шу жумладан лаб ва танглайнинг туғма ёриқлари бўлган болаларда оғиз шиллиқ қаватида муҳим ўрин тутиши, уларнинг тизимли таркиби эса юзнинг ушбу туғма патологиясининг клиник кўринишларига боғлиқ бўлади (Симбирцев В.А. ва ҳаммуал., 2015). Баъзи цитокинлар суяк тўқимасининг резорбциясига билвосита таъсир кўрсатиши, остеокластлар улғайиши босқичларини бевосита стимуляция қилишидан келиб чиққан ҳолда, турли ёшдаги соғлом болалар ва жарроҳлик реабилитациясининг турли босқичларида бўлган тегишли ёш гуруҳлардаги лаб ва танглай туғма ёриқлари (ЛТТЁ) бўлган болалар периферик қонидаги даражасини баҳолашга эътибор қаратиш зарур.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда соматик, стоматологик касалликлар ва лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болалар туғилиши сонининг кўпайиши кузатилмоқда (Аммануллаев Р.А., 2014; Иноятов А.Ш., 2016; Пўлатова Б.Ж., 2019). Бироқ, юқори лаб ва танглай туғма ёриқларининг шаклланишида иммунологик ва молекуляр-генетик омиллар таъсири ўрганилмаган.

Шу билан бирга генетик омиллар, ушбу патология пайдо бўлиши даражаси, цитокинларнинг организмнинг якка тартибда ривожланиши, физиологик фаолиятлари ва ҳимоя реакцияларини тартибга солувчи пептид молекулалар сифатида таркибий даражаси орасидаги ўзаро алоқа ўрганилмаган. Организмда метаболик жараёнларда фолат цикли генларининг иштироки ушбу генетик тизимларнинг полиморф вариантлари орасида эҳтимол бўлган генетик маркёрларни излашнинг мақсадга мувофиқлигини диссертация тадқиқотини бажаришга тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 33 «Юз-жағ соҳасидаги туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ҳамда уларни неонатал ва постнатал даврларда комплекс даволаш» (2012-2014 йй.) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Лаб ва танглай туғма ёриқлари шаклланишида иммунологик ва молекуляр-генетик омилларнинг ўрнини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лаб ва танглай туғма ёриқлари клиник-анатомик шаклларининг тарқалишини баҳолаш;

лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болаларда иммун жавоб медиаторлари даражасини қиёсий жиҳатдан асослаш;

лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болаларда цитокин ҳолатини хейлопластика, уронопластикадан олдин ва кейинги ҳолатини таққослаб баҳолаш;

лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болалар ва ота-оналарида фолат цикли генларининг генотурлари ҳамда полиморф локус аллелларининг тарқалганлик даражасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2019 йилларда Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанган лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган туғилгандан 6 ёшгача 210 нафар бемор болалар ва уларнинг ота-оналари, назорат гуруҳини шу ёшдаги 60 нафар соғлом болалар ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида лаб ва танглай туғма ёриғи бор беморларнинг веноз қонида цитокин ҳолати ва молекуляр-генетик тадқиқотлар кўрсаткичлари миқдорини баҳолаш учун қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, инструментал, жарроҳлик, иммунологик, молекуляр-генетик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

лаб ва танглай туғма ёриқлари мавжуд беморлар оналарида аҳамиятга эга бўлган гаплотиплар аллел полиморфизмининг ўзгарувчанлик даражаси ва фолат цикли генлар мРНК экспрессиясининг хусусиятлари асосланган;

фолат цикли генлари тарқалиши лаб ва танглай туғма ёриқларида аллеллар ва гаплотипик ассоциациялар пайдо бўлиши даражаларининг ўзига хослиги исботланган;

болаларда лаб ва танглай туғма ёриқларида иммун жавоб медиаторларининг (IL-18) олдиндан баҳоловчи қиймати исботланган;

лаб ва танглай туғма ёриғи шаклланишида энг муҳим омилларга асосланиб, юқори лаб ва танглай туғма ёриғи келиб чиқишни, даволаш ва олдини олишни тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лаб ва танглай туғма ёриқлари хавфини башоратлаш, ҳомиладорликни режалаштириш босқичида ва биринчи уч ойлигида иммун-генетик таҳлилни қўллаш билан биргаликда даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ўз вақтида ўтказишга имкон берган;

олинган натижалар асосида назорат гуруҳдагиларни қон зардобидида цитокинлар (IL-2, IL-4, IL-6, IL-18 ва MCP-1) синтезининг ёшга боғлиқлиги баҳоланган;

лаб ва танглай туғма ёриғи бор болаларнинг қон зардобидида цитокинлар (ИЛ-2, ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-18 ва МСП-1) даражасининг башоратлаш моҳияти асосланган;

МТНFR C677T генининг полиморфизми лаб ва танглай туғма ёригининг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшиши ва ушбу ёриқ ривожланишининг муҳим омилларидан бири эканлиги исботланган;

лаб ва танглай туғма ёриғи шаклланишида аниқланган энг муҳим омилларга асосланиб, юқори лаб ва танглай туғма ёриғи келиб чиқиши, олдини олиш ва даволашни тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар ва материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал, иммунологик, молекуляр-генетик, статистик усуллар асосида юқори лаб ва танглай туғма ёриқлари шаклланишида иммунологик ва молекуляр-генетик омилларининг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти лаб ва танглай туғма ёриқлари шаклланиши сабаблари тўғрисида билимларни кенгайтириш, лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болалар организмда иммун жавоб медиаторларидаги ўзгаришларни назарий баҳолаш тизими шакллантирилганлиги, беморлар оналарида аҳамиятга эга бўлган гаплотиплар аллел полиморфизмининг ўзгарувчанлик даражаси ва фолат цикли генлар мРНК экспрессиясининг хусусиятлари баҳолаш тартиби яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти беморлар ота-оналарида касаллик шакли ва гендер хусусиятларига қараб болаларда фолат цикли гени мутацияларининг тарқалишини баҳолаш тартиби ҳамда цитокинлар даражасини ташхисотида иммунологик омилларнинг таъсири, жарроҳликдан кейинги иммун жавоб даражаси ва касалликнинг асоратларини олдиндан ташхислаш ва иккиламчи асоратларнинг олдини олиш амалиётга тавсия этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори лаб ва танглай туғма ёриқларининг шаклланишида иммунологик ва молекуляр-генетик омиллар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Туғма юқори лаб ва танглай ёриқлари ривожланишида цитокинлар даражасини аниқлашнинг диагностик қиймати» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 1 июндаги 8н-д/129-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома туғма юқори лаб ва танглай ёриқлари ривожланишида цитокинлар даражасини баҳолашда ташхисот қиймати иммунологик омилларнинг таъсири, жарроҳликдан кейинги иммун жавоб даражаси ҳамда касалликнинг асоратларини олдиндан ташхислаш ва иккиламчи асоратларнинг олдини олишни ишлаб чиқиш имконини берган;

«Турли хил омиллар нуқтаи назаридан туғма лаб ва танглай ёриқлари башоратлашни интеграл баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 1 июндаги 8н-д/129-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома турли хил омиллар нуқтаи назаридан туғма лаб ва танглай ёриқларини башоратлашнинг интеграл баҳолаш усули ёрдамида беморларда жарроҳлик амалиётини олиб боришда таъсир қилувчи омилларни инобатга олиш ва асоратларини камайтириш имконини берган;

юқори лаб ва танглай туғма ёриқларининг шаклланишида иммунологик ва молекуляр-генетик омилларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Бухоро вилояти скрининг марказининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 06 декабрдаги 8н-з/220-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши болалар орасида ногиронликнинг эрта олдини олиш, даволаш самарадорлигини ошириш, лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болалар туғилиши даражасини камайтириш ва уранопластика жарроҳлик амалиёти ўтказилганда шифохонада бўлиш вақтини 22% га, хейлопластика жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан кейин эса 29% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга

жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лаб ва танглай ёриқлари иммунобиологик ва молекуляр-генетик муаммоларининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида адабиёт шарҳи баён этилган, унда сўнгги йилларда илмий манбаларда нашр қилинган лаб ва танглай туғма ёриқлари тўғрисидаги маълумотлар, ушбу патологияни жарроҳлик усули билан даволашнинг ҳозирги ҳолати, беморларда иммун тизим ҳолати ва болаларда лаб ва танглай туғма ёриқларининг молекуляр-генетик жиҳатлари акс этирилган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган томонлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Лаб ва танглай туғма ёриқлари иммунобиологик ва молекуляр-генетик муаммоларини ташхислаш ҳамда даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 456 нафар лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болалар текшируви тадқиқот натижалари батафсил келтирилган, ушбу болаларнинг Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази болалар юз-жағ жарроҳлик бўлимидаги 2016-2019 йиллардаги касаллик тарихлари таҳлил қилинган.

Жами туғилгандан 6 ёшгача бўлган 210 нафар болаларнинг клиник-иммунологик ва молекуляр-генетик текшируви ўтказилган, шулардан 55(26,19%) нафар бола юқори лабининг туғма ёриғи билан, 76 нафари танглайнинг туғма ёриғи билан (36,19%) ва 79 нафар бола лаб ва танглай туғма ёриқлари (37,6%) ни ташкил қилди. Туғма ёриқли 86 нафар болада фолат цикли ген полиморфизмининг таҳлили ўтказилган ва уларнинг ота-онаси назорат гуруҳини ташкил қилган. Лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болаларда ташхис қўйиш, шунингдек патологиянинг оғирлигига қараб реабилитация чоралари муддатлари ва ҳажмларини аниқлаш учун Фролова Л.Е.нинг (1973) клиник-анатомик таснифи қўлланилган. Ёш анамнези бир ёшгача бўлган болалар 74 нафарни, 3 ёшгача бўлган болалар 71 нафарни ва 6 ёшгача бўлган болалар 65 нафарни ташкил қилганини кўрсатган.

Лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси бир ёшгача бўлган болаларда функционал хейлопластика (60 нафар бола), 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда уранопластикани бажаришдан иборат (68 нафар бола).

Болаларни текширишда қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилган: умумий клиник ҳолатни баҳолаш, жағнинг диагностик моделларини ўрганиш, бош суяги, тиш-жағ тизимининг рентгенологик текшируви. Беморлар эшитиши ва нутқининг функционал ҳолати ҳам ўрганилган. Текширув болалар юз-жағ жарроҳлик бўлимига дастлабки ташрифи пайтида ёки туғруқхоналарда соматик ҳолатини баҳолаш мақсадида маслаҳат беришда, жарроҳлик даволаш учун кўрсатмалар ёки қарши кўрсатма ҳолатлар, ҳамроҳ патологияни тузатиш тактикасини аниқлаш учун болани педиатр ва невропатолог томонидан биргаликда текширув ўтказилган. Асосий эътибор

онанинг акушер-гинекологик, оилавий анамнезини тўплашга, мазкур ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, бола бошидан кечирган касалликларга қаратилган.

Иммун ҳолатини баҳолаш яллиғланишни қўлловчи (IL-2, IL-6, IL-18, MCP-1) ва яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинларнинг зардобдаги таркибини ўрганиш ИФА усули орқали амалга оширилган.

ЗАО «Вектор Бест» (СПб) ишлаб чиқарувчининг тест-тизими қўлланилган. Цитокинлар даражасини аниқлаш бириктирилган йўриқномага асосан амалга оширилган.

Молекуляр-генетик тадқиқот усуллари. ДНК олиш учун материал сифатида билак венасидан олинган 3-5 мл ҳажмдаги антикоагулянт консервантли 15% ли уч калий EDTA (Ethilendianin-tetraaceticacid) веноз қон ишлатилган.

Геном ДНК олиш учун икки босқичли қон ҳужайралари лизис усулидан фойдаланилган. Полимераза занжирли реакцияни (ПЗР) ўтказиш учун 0,1 мкг/мл концентрациядаги ионлардан тозаланган сув билан суюлтирилган ДНК ва 10 пмоль/мкл концентрациядаги тегишли праймерлар олинган. Реакция аралашмаси ва ПЗР шартлари қуйидагича: ионлардан тозаланган сув 4,6 мкл; dNTPs 10х аралашмаси: 2 мМdATP, 2 мМdTTP, 2 мМdGTP, 2 мМdCTP 4 мкл; ПЦР учун 10-бараварли буфер (16,6 мМ (NH₄)₂SO₄, 67 мМТрис-HCl (рН=8,8)) 4 мкл; MgCl₂: 25мМ 4 мкл (2,5 мМ керакли концентрацияда) ёки 2,4 мкл (1.5 мМ керакли концентрацияда); Taq-полимераза 1,33 мкл; матрицали ДНК 4 мкл; праймер F (+) 2,7 мкл; праймер R (-) 2,7 мкл. Реакция 35-40 мкл реакция аралашмасида ўтказилган. Эритиш эгри чизиклари таҳлили билан ПЗР технологияси (Q-PCR HRM) ДНК парчаларини фрагмент-синама мажмуаси флуоресценция даражасидаги ўзгаришларни унинг денатурация ва кейинчалик эритиш эгри чизиклари графигини тузиш босқичида аниқлаш орқали аниқлашга имкон берган. Технология босқичлари: ДНК тегишли кетма-кетлиги амплификацияси; ампликонларнинг олигонуклеотидлар билан гибридизацияси; белгиланган флуорофоралар билан; бир-бирини тўлдирувчи ва қисман тўлдирувчи дуплексларнинг ҳосил бўлиши; дуплекслар денатурацияси; флуоресценцияни аниқлаш, эритиш эгри чизикларини тузиш ва таҳлил қилиш.

Лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган беморларни жарроҳлик даволаш тактикаси функционал хейлопластика ва уранопластикани бажаришдан иборат. Millard D.R. ва Обухова-Тенисон (1976) усули билан хейлопластикани белгилаш ва режалаштириш бир ёшгача бўлган 60 нафар болада бажарилган, у ёриқни бартараф этиш, юқори лаб анатомияси ва фаолиятини тиклашдан иборат. Уранопластика 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган 68 нафар болада амалга оширилган.

Клиник материални статистик қайта ишлаш вариацион статистиканинг стандартлашган усуллари бўйича Microsoft Excel 2003, «STATISTICA'99 Edition» дастурлари ёрдамида ўртача қиймат, ўртача квадрат хатосини

ҳисоблаш орқали амалга оширилган. Асосий статистик мезон сифатида Стьюдентнинг ишончилиги $P < 0,05$ га тенг бўлган t -критерий қўлланилган.

Диссертациянинг «**Лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болаларнинг клиник-иммунологик таснифи**» деб номланган учинчи бобида Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган 210 нафар текширилган боланинг цитокин ҳолатини баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган болаларда аллергия касалликлар 25 нафар (11,9%), камқонлик 40 нафар (19,0%), ошқозон-ичак тизими касалликлари 25 нафар (11,9%), ЛОР-аъзолари касалликлари 23 нафар (10,9%), тез-тез шамоллаш 30 нафар (14,3%), рахит 24 нафар (11,4%), гипотрофия 19 нафар болаларда (9,0%) ва мажмуавий патология 11,4% ҳолларда учраган.

Соматик касалликлардан ташқари лаб ва танглай туғма ёриқлари бўлган беморларда оғиз ва бурун бўшлиғи орасида парда бўлмаганлиги, танглайнинг калталиги сабабли нутқ бузилишлари қайд этилган, товушларнинг ноаниқ ва нотўғри талаффузи билан очик манқаланиш пайдо бўлиши билан ифодаланган. Нутқ аппарати етишмовчилиги, шунингдек марказий асаб тизимида товушни пайдо бўлиш ва мувофиқлаштириш ишининг ривожланиши ҳам орқада қолган, шунинг учун бундай болалар ушбу нуқсон бўлмаган болаларга нисбатан 1-2 йил кечроқ гапиришни бошлаган.

Текширувдан ўтган болаларнинг оналари асосан 25 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёллар эканлиги аниқланган. Текширувдан ўтган болаларнинг оналарида турли хил соматик ва гинекологик касалликлар кузатилган. Ирсий мойиллик 23 нафар аёлда (10,9%) учраган. Лаб ва танглай туғма ёриқли болалари бўлган кўпчилик оналар анамнездан (54,8%) герпес инфекциялар ва цитомегаловирусларга антителалар аниқланган.

Ота-оналар орасида ўтказилган сўровнома натижасида, ўз фарзандидан воз кечиш истаги 95,24% ($n=200$) оналарда пайдо бўлган. Чуқур стресс, ўзини йўқотиб қуйиш, болани ўстириш ва тарбиялашни билмаслик 91,91% ($n=193$) ҳолларда учраган. Узоқ муддат даволаш ота-она психологик муаммосини кучайтирган (40,0%, $n=84$). Уларнинг аксарияти (46,67%, $n=98$) ўзларини айбдор ҳис этиб, безовта бўлган, атрофдагилар томонидан болага нисбатан эътиборидан оғриқли муносабатда бўлган. Кемтигнинг сабабини аниқлаб олиш ўз-ўзини ёки бир бирини айблашга ва оқибатда оиланинг бузилишига сабаб бўлган (2,86%, $n=6$). Маслаҳат ва жарроҳлик муолажаси туфайли оилаларни сақлаб қолишга имконияти юзага келган. Нафақат даволашга сарфланган харажатлар туфайли, балки ота-оналарнинг бири иш фаолиятидан мажбур бўлиб воз кечиши натижасида юзага келган узоқ муддатли моддий муаммолар 7 та ҳолатда (3,33%) аниқланган.

Лаб ва танглай туғма ёриқларида иммун жавоби медиаторларининг даражаси. Болалар гуруҳлари ёшига қараб, 3 та кичик гуруҳларга бўлинган: лаб туғма ёриқли гуруҳда - 1 гуруҳ ($n=55$): 1-кичик гуруҳ - 1 ёшгача, $n=18$; 2-

кичик гуруҳ - 1 ёшдан 3 ёшгача, n=22; 3-кичик гуруҳ - 3 ёшдан 6 ёшгача, n=15. Танглай туғма ёриқли гуруҳда - 2 гуруҳ (n=75): 1-кичик гуруҳ - 1 ёшгача, n=14; 2-кичик гуруҳ - 1 ёшдан 3 ёшгача, n=24; 3- кичик гуруҳ - 3 ёшдан 6 ёшгача, n=37. Лаб ва танглай туғма ёриқли гуруҳда - 3 гуруҳ (n=80): 1-кичик гуруҳ - 1 ёшгача, n=43; 2-кичик гуруҳ - 1 ёшдан 3 ёшгача, n=25; 3-кичик гуруҳ - 3 ёшдан 6 ёшгача, n=12. Соғлом 60 нафар бола ёшига қараб 3 та кичик гуруҳни ташкил этган: 1 ёшгача - 16 нафар бола, 1 ёшдан 3 ёшгача - 20 нафар бола, 3 ёшдан 6 ёшгача - 24 нафар бола.

Турли ёшдаги соғлом болаларда цитокин таркибини ўрганиш постнатал даврда ўхшаш динамикани кўрсатган. Хусусан, эрта ёшдан бошлаб соғлом болаларга нисбатан (0-1 ёш) 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда IL-2 сезиларли ўсиши 3 баравар ($P < 0,01$), IL-4 - 4,2 баравар ($P < 0,001$), IL-6 - 1,37 баравар ($P < 0,05$), IL-18 - 1,52 баравар ($P < 0,5$) кузатилган, ҳолбуки МСР-1 1 ёшгача бўлган болаларга нисбатан паст бўлган ($P < 0,05$). Соғлом болаларда 3-6 ёшга келиб 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар гуруҳига нисбатан периферик қонда барча аниқланадиган цитокинлар таркиби пасайганлиги қайд этилган. 1 ёшгача бўлган болаларда ўртача $1,9 \pm 0,18$ пг/мл бўлган IL-2 даражаси 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда 3 баравар кўпайган ва ўртача $5,78 \pm 0,45$ пг/мл ($P < 0,01$) ни ташкил қилган, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда IL-2 даражаси ўртача $2,7 \pm 0,18$ пг/мл гача пасайган, бу 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларга нисбатан 2 баравар кам ($P < 0,05$). Бу эса 1 ёшгача бўлган болаларга нисбатан ишончли равишда кўплиги ($P < 0,05$) исботланган.

Постнатал даврдаги болаларда IL-4 даражаси ўртача $2,18 \pm 0,31$ пг/мл ни ташкил қилган. Ушбу цитокин даражаси 3 ёшгача бўлган болалар гуруҳида ўртача $9,26 \pm 0,82$ пг/мл ни ташкил қилиб, кескин кўтарилди, бу 1 ёшгача бўлган болалардаги кўрсаткичдан 4 баравар кўп ($P < 0,001$). Аммо 6 ёшга келиб IL-4 даражаси $6,58 \pm 0,61$ пг/мл гача пасайди, шу билан бирга 1-гуруҳга нисбатан ($P < 0,01$) юқорилиги аниқланган.

Ёш болаларда IL-6 таркиби ўртача $4,8 \pm 0,43$ пг/мл ташкил қилди. Унинг сезиларли ўзгариши 2-гуруҳ болаларида кузатилган $6,59 \pm 0,63$ пг/мл ($P < 0,05$). 3 ёшдан 6 ёшгача булган болалар гуруҳида пасайишга мойиллик $5,15 \pm 0,5$ пг/мл кузатилган.

1 ёшгача бўлган болаларда IL-18 синтези ўртача $193,5 \pm 13,6$ пг/мл ни ташкил этган. 3 ёшгача бўлган болаларда унинг даражаси 1,5 баравар ошиб ўртача $294,7 \pm 16,7$ пг/мл ни ташкил этган ($P < 0,01$); 6 ёшгача бўлган болаларда эса IL-18 даражаси 2-гуруҳ болаларига нисбатан паст ($P < 0,01$), аммо 1-гуруҳ болалари кўрсаткичлари даражасига мос келади.

Энг юқори моноцитар хемотаксик протеин-1 (МСР-1) даражаси 1 ёшгача бўлган болаларда кузатилган ва ўртача $223,4 \pm 17,1$ пг/мл ни ташкил этган. 2-гуруҳ болаларида ушбу цитокин даражаси анча паст бўлган - $178,4 \pm 15,6$ пг/мл. 6 ёшгача бўлган болаларда МСР-1 даражаси 2-гуруҳ болаларига нисбатан паст бўлган - $148,5 \pm 8,78$ пг/мл ва 1-гуруҳ болаларига нисбатан эса ишончли даражада паст бўлган ($P < 0,05$).

Тадқиқотларнинг кейинги босқичи лаб ва танглай туғма ёриқли бемор болаларда цитокинлар даражасини ўрганишга бағишланган.

IL-2 даражаси лаб ва танглай туғма ёриқли болаларда, шунингдек бир нечта патологияси бўлган болаларда бир ёшгача ишончли даражада юқори бўлган, ўртача $2,8 \pm 0,4$ пг/мл, бу назорат гуруҳига нисбатан 1,47 баравар юқори ($P < 0,05$), танглай туғма ёриқли болаларда эса ушбу цитокин даражаси назорат қийматлари чегарасида бўлган. 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда IL-2 таркиби бўйича маълумотлар таҳлили ёриқнинг турига қараб ушбу цитокиннинг сезиларли даражада ўзгариши кузатилмаганлигини кўрсатди. Агар назорат гуруҳида IL-2 қиймати ўртача $5,78 \pm 0,45$ пг/мл ни ташкил этган бўлса, юқори лаб туғма ёриқли болаларда бу қиймат ўртача $6,4 \pm 0,6$ пг/мл ни ташкил этган, танглай туғма ёриқли болаларда эса - $4,8 \pm 0,74$ пг/мл ни ташкил этган. Лаб ва танглай туғма ёриғида IL-2 назорат қийматлари чегарасида бўлган - $5,7 \pm 1,14$ пг/мл. 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда IL-2 қийматлари назорат қийматларига нисбатан фарқ қилмади. Лаб туғма ёриқларида юқорига кўтарилиш тенденцияси кузатилган - $3,52 \pm 0,43$ пг/мл, танглай туғма ёриғи ва бошқа ёриқларда эса ушбу цитокин қиймати назорат қийматлари чегарасида бўлган - $2,5 \pm 0,42$ пг/мл ва $2,4 \pm 0,25$ пг/мл.

Тадқиқотларда 1 ёшгача бўлган болалар гуруҳида лаб туғма ёриқларида IL-4 ишончли равишда кўтарилиши кузатилган - $12,7 \pm 1,57$ пг/мл гача. Танглай туғма ёриғи бўлган болаларда бу параметр назорат гуруҳи қийматига нисбатан 7,7 баравар юқори бўлган ($P < 0,001$). Аммо, энг юқори қиймат бир неча хилдаги ёриқларга эга болаларда - $22,6 \pm 2,13$ пг/мл, бу 10 баравар юқорилиги ($P < 0,001$) аниқланган. Лаб туғма ёриқли болаларда 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган гуруҳда IL-4 даражасининг юқори кўтарилиши тенденцияси кузатилган - $11,3 \pm 1,56$ пг/мл гача, танглай туғма ёриғи бўлган болаларда эса ишончли равишда ошган - $13,8 \pm 1,39$ пг/мл гача ($P < 0,05$), бир неча хил ёриғи бўлган болаларда эса IL-4 даражаси бундан ҳам юқори бўлган - $16,7 \pm 1,96$ пг/мл гача ($P < 0,01$). 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда IL-4 даражаси ёриқнинг барча шаклларида ишончли равишда кўтарилган. Лаб туғма ёриқли болаларда IL-4 ўртача $9,5 \pm 0,98$ пг/мл ни ($P < 0,05$) ташкил қилган, танглай туғма ёриғи бўлган болаларда ушбу цитокин даражаси ўртача $8,9 \pm 0,9$ пг/мл ни ташкил қилган ($P < 0,05$). 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда IL-4 юқори қиймати - $14,3 \pm 1,25$ пг/мл гачани лаб ва танглай туғма ёриғида кузатилган болаларда аниқланган.

1 ёшгача бўлган болаларда лаб туғма ёриғида IL-6 даражаси ишончли равишда юқори бўлиб, ўртача $12,8 \pm 1,43$ пг/мл ни ташкил қилган. Танглай туғма ёриқли болаларда бу цитокин даражаси назорат қийматларидан 3 баравар юқори бўлган - $14,3 \pm 1,58$ пг/мл гача ($P < 0,01$). Лаб ва танглай туғма ёриғида эса бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 3,7 баравар юқори бўлган - $17,6 \pm 1,9$ пг/мл ($P < 0,01$). Шунингдек таъкидлаш жойизки, ишончли фарқ лаб ва танглай туғма ёриқли ва лаб туғма ёриғи бўлган болалар гуруҳи қийматларига нисбатан кузатилган ($P < 0,05$). 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган

болаларда туғма ёрикнинг барча турларида IL-6 даражаси назорат гуруҳи қийматлари чегарасида эканлигини кўрсатган. Лаб туғма ёриғи бўлган болаларда ўртача даражаси - $5,84 \pm 0,66$ пг/мл, танглай туғма ёриқли болаларда - $6,97 \pm 0,73$ пг/мл ва бир неча хил патологияси бўлган болаларда - $5,4 \pm 0,57$ пг/мл. 3 ёшдан 6 ёшгача IL-6 таркибидаги ишончли фарқ лаб туғма ёриғи бўлган болаларда - $8,5 \pm 1,03$ пг/мл гача ($P < 0,05$) ва лаб ва танглай туғма ёриғи бўлган болаларда - $7,8 \pm 1,28$ пг/мл гача ($P < 0,05$).

Тадқиқотларда 1 ёшгача бўлган болалар гуруҳида IL-18 даражаси туғма ёрикнинг барча турларида ишончли даражада юқори эканлиги аниқланган. Лаб туғма ёриғи бўлган болаларда IL-18 даражаси назорат гуруҳига нисбатан 1,4 баравар юқори бўлган ($P < 0,05$), танглай туғма ёриғи бўлган болаларда эса бу цитокин назорат гуруҳи қийматларидан 1,75 баравар юқори бўлган ($P < 0,05$). IL-18 нинг энг юқори қиймати лаб ва танглай туғма ёриғида қайд этилган ($P < 0,01$). 1-3 ёш гуруҳи болаларида IL-18 даражасининг юқори қиймати лаб ва танглай туғма ёриғида кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилган болаларда IL-18 даражаси кўрсаткичлари (пг/мл)

Гуруҳлар	Ёш гуруҳлари		
	1 ёшгача	1 ёшдан 3 ёшгача	3 ёшдан 6 ёшгача
Назорат гуруҳи	$193,5 \pm 13,6$	$294,7 \pm 16,7$	$217,4 \pm 12,04$
Лаб туғма ёриғи	$263,2 \pm 25,8^*$	$586,3 \pm 52,7^*$	$398,2 \pm 30,5^*$
Танглай туғма ёриғи	$338,4 \pm 37,18^*$	$689,7 \pm 65,2^*$	$421,5 \pm 49,6^*$
Лаб ва танглай туғма ёриғи	$515,3 \pm 50,7^* **$	$1045,3 \pm 86,2^* **$	$799,1 \pm 62,5^* **$

Изоҳ: * - қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли; ** - қийматлар лаб туғма ёриғи ва танглай туғма ёриғи гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,05-0,001$)

Танглай туғма ёриғи бўлган болаларда IL-18 даражаси назорат гуруҳига нисбатан 2,3 баравар юқори бўлган - $689,7 \pm 65,2$ пг/мл ($P < 0,01$). Лаб туғма кемтиги бўлган болаларда эса IL-18 даражаси назорат гуруҳига нисбатан 2 баравар юқори бўлган - $586,3 \pm 52,7$ пг/мл ($P < 0,01$). 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар маълумотлари таҳлили туғма ёрикнинг барча турларида IL-18 нинг юқори даражасини кўрсатган. Лаб туғма ёриғи бўлган болаларда IL-18 даражаси ўртача $398,2 \pm 30,5$ пг/мл ($P < 0,05$), танглай туғма ёриғи бўлган болаларда $421,5 \pm 49,6$ пг/мл ($P < 0,05$), бир неча хилдаги ёриғи бўлган болаларда эса $799,1 \pm 62,5$ пг/мл ни ташкил этган ($P < 0,001$).

Шундай қилиб, IL-18 даражаси лаб ва танглайнинг кесиб ўтувчи туғма ёриғи бўлган болаларда барча ёш гуруҳларида ишончли равишда юқори бўлган. IL-18 даражаси лаб ва танглай туғма ёриғи бўлган болаларда иммунитет тизимидаги бузилишлар ривожланиши прогностик мезони сифатида тавсия этилади.

Шунингдек, лаб ва танглай туғма ёриғи бўлган болаларда ёш жиҳатдан МСР-1 даражасини ўрганиш бўйича тадқиқот ўтказилган (2-жадвал).

1 ёшгача бўлган лаб туғма ёриғи бор болаларда МСР-1 даражаси 1,36 баравар юқори бўлган ($P < 0,05$). Танглай туғма ёриғида $426,2 \pm 41,14$ пг/мл гача ошган ($P < 0,01$), учинчи гуруҳда назорат қийматларидан 3 баравар юқори бўлган ($P < 0,001$). Шунингдек таъкидлаш жоизки, лаб ва танглай туғма ёриғи бўлган болаларда МСР-1 қиймати нафақат назорат гуруҳи, балки лаб туғма ёриғи ($P < 0,01$) ва танглай туғма ёриғи бўлган болаларга нисбатан ҳам юқори бўлган ($P < 0,05$). Турли хилдаги ёриқларга эга 1 ёшдан 3 ёшгача ва 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда ҳам шу тенденция сақланиб қолган.

2-жадвал

Лаб ва танглай туғма ёриғи бўлган текширилган болаларда МСР-1 даражаси, пг/мл

Гуруҳлар	Ёш гуруҳлари		
	1 ёшгача	1 ёшдан 3 ёшгача	3 ёшдан 6 ёшгача
Назорат гуруҳи	223,4±17,1	178,4±15,6	148,5±8,78
Лаб туғма ёриғи	305,4±29,8*	213,7±21,3	273,6±25,5*
Танглай туғма ёриғи	426,2±41,1 *	378,5±32,5*	295,8±27,6*
Лаб ва танглай туғма ёриғи	679,1±52,3* **	566,4±49,2* **	367,1±43,8*

Изоҳ: * - қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли; ** - қийматлар лаб туғма ёриғи ва танглай туғма ёриғи гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,05-0,001$).

Шундай қилиб, лаб ва танглай туғма ёриқли болаларда яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар таркиби ёш динамикаси 1 ёшгача бўлган гуруҳда юқори лаб ва танглай ёриғида IL-4 ва IL-6 даражаси кескин кўтарилган, 3-6 ёшгача бўлган болаларда IL-18 и МСР-1 даражаси кўтарилган, 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда эса IL-18 даражаси кескин кўтарилган. Танглай туғма ёриғи бўлган 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда IL-18 ошишидан иборат ўзгаришларнинг бошқача ҳарактерини кўрсатган. IL-4 даражаси кичик болалар гуруҳида энг юқори бўлган, шу вақтнинг ўзида 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда ва 6 ёшгача бўлган болаларда ушбу цитокин миқдори бир хил бўлган. МСР-1 даражаси барча текширилган бемор болаларда деярли бир хил бўлган. Шу билан бир қаторда IL-6 даражаси кичик ёшдаги болаларда энг юқори бўлган. Соғлом ва танглай туғма ёриғи бор болаларда аниқланган цитокинлар ёшга мансуб ўзгаришларининг турли хусусиятлари ушбу юз-жағ соҳасидаги туғма патология ривожланишида тизимли цитокин профилининг патогенетик муҳимлигидан далолат беради ва болаларда ёшга нисбатан танглай туғма ёриғида цитокинларни қиёсий баҳолашнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Лаб ва танглай туғма ёриғи бўлган болаларда барча ўрганилган цитокинлар даражаси назорат гуруҳи кўрсаткичларидан сезиларли даражада

фарқ қилган. Барча цитокинлар орасида IL-4 цитокинининг таркиби кескин ошган (10 баравар). IL-6 даражаси 1 ёшгача бўлган болаларда, IL-18 даражаси эса 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда энг юқори бўлган. IL-2 эса 6 ёшгача бўлган болаларда биров пасайган ва 1 ёшгача бўлган болаларда энг кўп микдорда бўлган. 3 ёшгача бўлган болаларда максимал қийматга эга бўлган MCP-1 концентрацияси ошган.

Шу билан бир қаторда, аниқланган лаб ва танглай туғма ёриғи бор турли ёшдаги болалар гуруҳларида аниқланган яллиғланишга қарши IL-4 юқори даражаси башоратловчи ноқулай омил сифатида кўриб чиқилиши лозим, чунки IL-4 остеокластлар ҳосил бўлишига тўсқинлик қилиши ва суяк резорбцияси потенциал ингибитори эканлиги маълум.

Диссертациянинг «**Лаб ва танглай туғма ёриғида фолат циклининг молекуляр-генетик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида лаб ва танглай туғма ёриғи бор болалар ва уларнинг ота-оналарида фолат цикли генлар генотиплари ва полиморф локуслари аллеларининг тақсимланиши бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Қўйилган мақсадга эришиш учун ўзбек популяцияси оилаларида лаб ва танглай туғма ёриғи билан туғилган ва соғлом болалар контингентиде фолат цикли ген аллеллари ва генотиплари тақсимланиши тадқиқоти ўтказилган.

Текширилганларда ўрганилаётган патологиялар синдромсиз шакллари асосида генетик компонент ётганлиги кўрсатилган. Баъзи насл тарихларида наслнинг Менделеев тури кузатилган, аммо аксарият ҳолларда лаб ва танглай туғма ёриғи спорадик пайдо бўлган. Бундан ташқари ушбу касаллик шаклланиши ташқи муҳит омилларига ҳам боғлиқ, шу сабабли нуқсоннинг кўп омилли этиологияси мос келади, чунки генетик омиллар ташқи муҳит омиллари билан ўзаро боғлиқ ҳолда таъсир ўтказадилар. Биргаликда ушбу омилларнинг барчаси лаб ва танглай туғма ёриғи носиндромал шакллари генетик таҳлилини мураккаблаштиради.

Биринчи босқичда лаб ва танглай туғма ёриғи бўлган 86 нафар бола ва улар ота-онаси MTHFR A1298C ва MTHFR C677T генлар генотипи ва аллелли тақсимланишини аниқлаш учун текширилган ва натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, MTHFR A1298C аллелли ва генотипик тақсимланиши учратиш даражаси қиёсий таҳлил қилинганда жиддий фарқлар аниқланмаган.

Шунингдек, MTHFR C677T аллелли ва генотипик тақсимланиши учраш даражаси қиёсий таҳлили 4-жадвалда баён қилган.

C аллел тақсимланишида сезиларли фарқлар аниқланган (мос равишда 59,88% ва 77,91%; OR = 0,42; Wald 95% CI: 0.285>0.423>0.63; $\chi^2=18,436$) ва T аллел (мос равишда 40,12% и 22,09%; OR = 2,363; Wald 95% CI: 1.588>2.362>3.515; $\chi^2=18,436$), CC генотипи беморлар ва назорат гуруҳи орасида (мос равишда 41,86% ва 72,67%; OR = 0,27; Wald 95% CI: 0.157>0.271>0.466; $\chi^2=23,203$).

3-жадвал

МТНFR A1298C аллел ва генотипик тақсимланиш даражасининг қиёсий таҳлили

A1298C	Беморлар, n=86	Беморлар, %	Соғлом шахслар, n=172	Соғлом шахслар, %	QR	χ^2	95% CI
A	114	66,28	237	68,90	0,8873 85	0,361	Wald 95% CI: 0.601 >0.887> 1.311
C	58	33,72	107	31,10	1,127		Wald 95% CI: 0.763 >1.127> 1.664
AA	44	51,16	98	56,98	0,7910 59	0,783	Wald 95% CI: 0.471 >0.791> 1.33
AC	26	30,23	41	23,84	1,3845 53	1,22	Wald 95% CI: 0.776 >1.385> 2.469
CC	16	18,60	33	19,19	0,9627 71	0,013	Wald 95% CI: 0.496 >0.963> 1.868

4-жадвал

МТНFR C677T аллел ва генотипик тақсимланиши частотасининг қиёсий таҳлили

C677T	Беморлар, n=86	Беморлар, %	Соғлом шахслар, n=172	Соғлом шахслар, %	OR	χ^2	95% CI
C	103	59,88	268	77,91	0,4233 18	18, 436	Wald 95% CI: 0.285 >0.423> 0.63
T	69	40,12	76	22,09	2,363		Wald 95% CI: 1.588 >2.362> 3.515
CC	36	41,86	125	72,67	0,2707 2	23, 203	Wald 95% CI: 0.157 >0.271> 0.466
CT	31	36,05	18	10,47	4,8222 22	24, 387	Wald 95% CI: 2.499 >4.822> 9.305
TT	19	22,09	29	16,86	1,3983 53	7,405	Wald 95% CI: 1.28 >2.532> 5.009

